

Ҳазратни хотирлаб...

13:20 / 02.04.2023 1443

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари биз каби ўша пайтда эндигина исломни ҳис қилиб, илмсизлиги билан ҳар кўчага кириб кетиши мумкин бўлган ёшлар учун ҳақиқий тўғри йўл кўрсатувчи устоз, йўлни ёритувчи маёқ бўлган эдилар десам ҳеч ҳам муболаға бўлмайди.

Ҳали адабиётлар кам, ҳаётда, тижоратда, турмушда ҳар куни учраб турадиган саволларга жавоб топиш, кимдан энг тўғри жавобни олиш мумкин дея боши қотиб юрган миллионлаб ёшларга, ҳатто ҳар бирига (!) бир ўзлари жавоб беришга бел боғлаганлари, шу билан бир вақтда тинимсиз чиқаётган китоблар бу оддий одамнинг ақлига сиқадиган иш эмас эди. Ўзим ўшанда вилоят почтаси қошида очилган ягона интернет кафеда savollar.uz сайтига ишдан кейин бориб мени қизиқтирган саволларга мендан аввал сўраганлар учун берилган жавобларни излаб кўрар, агар топмасам тўғридан тўғри ўзларига ёзар эдим. Ҳатто катта ўғлимизни исмини ҳам у кишидан сўраб қўйган саволим ҳозир ҳам сайтда турибди. Устоз айна дамда тириклар орасида бўлмасада қолдирган илмий мерослари тириклар орасида тирик турибди. Алҳамдулиллаҳ..

Ҳатто яқинда мени қийнаган бир саволга кўпгина манбаалардан жавоб топа олмагач, кутмаган ҳолатимда Аллоҳнинг фазли ила Ҳазратнинг сайтларидан, Ҳазратнинг ўзларидан жавоб олдим. Ўшанда айнан шу ҳолатга кимдир тушган, жавоб тўлиқ берилган эди! СубҳанАллоҳ!

У кишида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меросларини кўрдим.

У киши тимсолида ҳолис ниятнинг ҳосилини баракасини кўрдим.

Аллоҳ Ҳазратни Ўз раҳматига буркасин, тириклик пайтларида исмларига муносиб пайғамбаримизга Содиқ бўлдилар,охиратда, жаннатда Ул Муборак зот билан абадий бирга бўлсинлар... Роббимиз бизларнинг ҳам зурриётларимиздан шундай Раббоний олимларини чиқарсин...Омийн

Илёс Нарзиев facebook саҳифасидан олинди.